КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга!

Коммунист уйлари

# ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Қайта қуриш даврида ҳар бир коммунист, ҳар бир ишчи-хизматчининг ўзига талабчанликни оширишн талаб этиляпти. Масалан, мен партия группасининг ташкилотчиси сифатида энг аввало ишни ўзимдан бошлашим лозимлигини яхши тушунаман. Гоҳида ишда эришган озми-кўпми ютуқларим боиси ҳақида ўйлаганимда бунинг катта аҳамиятга эга эканлигини ҳис этасан, киши.

Яқинда қуюв цехи ва бошқа цехларда партия группалари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларнинг ҳаммасида қайта қуриш ва жадаллаштириш йўлида коммунистларнинг шахсий намунаси, дадил ижодий изланиш, ташаббускорликни ривожлантириш ҳақида, меҳнат ва сиёсий кўтаринкиликни кучайтириш ҳақида қизғин гап борди. Бизнинг группа коммунистлари ҳам XII беш йилликдаги ишларини янги поғонага кўтариш ниятида эканликларини айтишди.

Бизнинг корхона иттифоқимизда пахта териш машиналари ишлаб чиқараётган энг йирик корхонадир. Ўтган беш йилликда эришган катта муваффақиятлари учун бир гуруҳ инженер-техник ходимлар, ишчи-хизматчилар СССР орден ва медаллари билан тақдирландилар. Улар орасида коммунистлар ҳам оз эмас.

Аммо бугунги кунда бизни ютуқлар эмас, кўпроқ қўлга киритиш лозим бўлган марралар қизиқтирмоқда. Масалан, корхонамизда қуюв цехи коммунистлари бу борада ибрат кўрсатишга интилишяпти. Улар етти марта мусобақа ғолиби бўлишди.

Мени коммунист сифатида ютуқлар сири ва илғорлар тажрибасини кенг қўллаш, шу асосда янги ютуқларга замин ҳозирлаш қизиқтиради. Бунинг сири энг аввало ишни бригада усулида ташкил этишдир. Иккинчидан эса КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси асосида мусобақанинг ҳар томонлама авж олдирилаётганидир. Бизда «Сифат аълочиси», «Биринчи классли мастер», «Иккинчи классли мастер», «Ўз касбининг устаси» сингари фахрли номлар бериш ўзаро мусобақада фақат сон кўрсаткичларининг эмас, балки иш сифатининг ошишига ҳам самарали таъсир кўрсатяпти.

Шу кунларда эса смена топшириқларини ошириб бажариш, вақтдан ўзиб ишлаш, ички резервларни излаб топиш учун актив кураш олиб бориляпти. Аммо ҳали олдимизда катта вазифалар турганини яхши биламиз. Шулардан бири тежамкорлик резервларини чуқур ўрганиш, ресурсларни тежаб сарфлашдир. Бу олдимизда турган энг муҳим вазифадир. Юқорида айтганимдек буни адо этиш биз, коммунистларнинг шахсий намунасига, ижодий изланишига боғлиқ.

А. МАҲМУДОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи партия группасининг ташкилотчиси.

Сиз бунга нима дейсиз?

Муаммо ва таклифлар

# Билет олмасдан, транспортга чиқаверинг!

**Шаҳар транспорти ишининг янги системаси тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари учун анчагина қулайликлар туғдириб, ташвишни камайтирса керак. Бу системани барча манфаатдор томонлар муҳокама қилишлари керак.**



Ҳозир транспортда тиним билмайдиган киши контролёрдир. Трамвай ҳайдовчи бекатга кечикиб келиши мумкин, троллейбус «суворийси» бекатда тўхтамай ўтиб кетиши бор, автобус шофери йўловчилар билан учрашувни «насия» қилиб юбориши мумкин. Аммо контролер ҳамиша ҳозиру-нозир: «Билетингизни кўрсатинг!»

Билетингизни йўқотиб қўйган бўлсангиз, дилгир бўласиз. Жарима тўлаш билан қутилсангиз яхшия, аммо контролёр пасту-баландга қарамай, хунобингизни оширади. Транспорт корхонасига зиён-заҳмат етказмоқчи бўлдингиз, деб кўпчилик олдида изза қилади. Шундан кейин 3 сўм пулингизни нақд санаб олади. Бундан 75 тийини контролернинг чўнтагига тушади. Ана шу 75 тийин контролёрни бекатда доимо ҳозиру нозир этади.

Хотирингиз жам бўлсин, контролер транспортда билетсиз юрадиган кишиларнинг душмани эмас. Аксинча, у бундай одамларни «Қизил китоб»га ёзиб қўйган бўлур эди. Билетсиз йўловчилар кўпайса контролёрнинг вақти чоғ бўлади. Чунки унинг тирикчилиги шулар ҳисобига-да. Автобус, трамвай, троллейбус транспорти эса бунинг аксидан манфаатдордир. Уларга жариманинг ҳожати йўқ. Ҳамонки транспортга чиққан экансиз, қатнов учун 5 тийин тўлашингиз кифоя қилади. Хўш жарималар-чи? — деб сўрарсиз. Бу маблағ, асосан, контролерларга тўлаш учун сарфланади.

Ҳисоб-китоблар қуйидагича: трамвай-троллейбус бошқармасида ишлаётган контролернинг маоши 100 сўм. У ҳар ойда 300 сўм штраф олиши керак. Буни қандай аниқ сўз билан ифодаласак бўларкин? Топшириқ десак тўғри бўлармикан?! Бошқармадагилар буни жарангдорроқ қилиб «план» деб аташди. Уни бажарганидан кейин контролер 40 сўм мукофот ҳам олади. Бунинг устига ундириб олинган жарималаридан яна 75 сўм тегади. Жами маош, қарабсизки 215 сўмга етади. Шундай қилиб контролер билетсиз юрган йўловчилардан ундирилган маблағнинг учдан икки қисмини олади. Транспорт корхонасига эса озроқ, фақат шундан қолган маблағ тушади. Контролерларнинг қўполлиги ҳақидаги арзномалар ҳам транспорт корхонасига «тегади».

Демак, бу система контролерлар манфаатини ўйлар экан-да, улар эса оз эмас: штатдагиси 145 та, штатсизлари эса 20 та. Қарамоғида автобуслар бўлган «Главташпассавтотранс» ҳам ўзининг штатли контролерларига эга. Қизиғи шундаки, планни бажариб қўйганидан кейин контролер дам олишга равона бўлади, ёки таваккал қилиб, билетсиз йўловчиларни «тутишга» яна киришиб кетади. Изза бўлиб турган билетсиз йўловчидан уни «хатга туширмасдан» 3 сўм ўрнига 1 сўм олиши ҳам ҳамирдан қил суғиргандек осон кўчади. Бўлмаган гап демоқчисиз? Унда бир савол берайлик. Контролер неча соат ишлайди? Дарвоқе-«план»ни бажариш учун 4—5 кишидан жарима олиш етарлик-ку?

Ўзим кўрганларимни айтай: Ҳадра бекатида тўрт контролер «ягона наряд» асосида ишлаб учта трамвайдан тушган 18 билетсиз йўловчидан жарима ундиришди. Булар орасида қоидани обдон бузишга ўрганган кишилар бўлса бордир. Аммо жарима тўлаган одамлар орасида ҳардам-хаёллик қилиб, талон олишга улгурмаган кексалар ёки абонемент сотиб олишга фурсати бўлмаган Тошкент меҳмони ҳам бор эди. Буларнинг ҳаммасини жазолаб 54 сўм ундиришди. Буни қарангки, контролернинг бир минутли иш вақти академикнинг бир минутлик иш вақтидан ҳам салмоқли бўлиб чиқмоқда. Бундай юмуш ҳар бир академикнинг ҳам қўлидан келавермаса керак.

Кимдир билетсиз йўловчиларни ҳам «таъзирини бериб» қўйиш керакку, деб эътироз билдириши мумкин. Тўғри мулоҳаза, лекин бу юмушни билетсиз йўловчилар кўпроқ бўлишидан манфаатдор бўлган кишиларга топшириб қўйиш мумкин эмас. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: трамвай ва троллейбусда билет сотиш бекор қилинганидан кейин 1500 ҳайдовчидан 600 нафари ишдан бўшаб кетди. Бу кишиларнинг биронтаси ҳам ўз аризасида «кассага ташланмаган пулни тушаверишда йўловчилар менга беришмаётгани учун ишдан бўшаяпман» деб ёзгани йўқ, албатта. Аммо аслида шундай бўлди. «Чой-чақа» сўраб, қўлини узатиб туриш ўрнига ҳалол ишлаб топилган маош — ойига 240—260 сўм иш ҳақи таклиф этишди. Маош келажакда яна ошиши мумкин эди. Лекин ҳалиги 600 киши барибир бўшаб кетди.

Ҳайдовчилар ҳамон етишмай турибди, уларнинг ўрнини қоплашгани йўқ. Бу шаҳар транспортидаги катта камчиликдир. Аммо йўловчининг ҳурмати жойига қўйилмаётганлиги, ўз касб-корининг шарафи қадрланмаётганлиги, бу иш учун масъулият сезилмаётганлиги айниқса ачинарлидир. Қатновга чиқаётган машиналар сони илгари бўлганидек, ҳозир ҳам пландагидан анча кам, уларда мунтазамлик йўқ. Ишга бориш ва қайтишда бекатларда одам ғужғон ўйнайди, кечки пайт эса транспорт депога равона бўлаверади.

**Шу боисдан ҳам ишга янги ёндашув талаб этилади. Йўловчини эмас, балки ҳайдовчи ишини назорат қилиш тўғрисидаги таклифни ўртага қўймоқчимиз. Ҳайдовчи билан биргаликда линия, рейс иши учун жавобгар бўлган ҳамма кишилар ишини ҳам назорат қилиш керак.**

Талонлар ва абонементлар ҳамиша ҳам мунтазам сотилмаётган 190 та кўримсиз «ҳужрача»лар кўчаларимиздан йўқолишини бир тасаввур этинг. Бунинг устига 5 минг магазинда, киоскада ва бошқа савдо корхоналарида ҳам харҳаша камайди. Чунки бу ерда ҳам комиссион шартларда талонлар сотилмоқда. Қайтимига абонемент ёки талон берилмоқда. Бизнинг таклифимизга кўра, транспортда юриш учун билетга ҳожат қолмайди.

**Ишлаб турган ҳар бир тошкентлик маош олаётганида ойига бир марта уч сўм тўлайди, студент эса бунинг ярмини беради. Бу фақат бир маротаба тўланадиган жаримага баробардир.** Балки бу таърифни аниқлаш лозимдир. Аммо бу тадбир транспорт учун ҳам, йўловчи учун ҳам адолатли бўлади, деб ўйлаймиз. Ушбу тўлов 5 сўм турадиган ҳозирги қатнов карточкаси нархидан арзон. **Аммо тошкентликлардан бор-йўғи 3 сўмдан йиғилса автобус, трамвай ва троллейбус ҳақи учун йўловчилардан 1987 йилда тўпланиши мўлжалланаётган маблағ батамом қопланади.**

Рўй-рост айтсак, бу қиммат эмас. Ҳар биримиз бир кунда кам деганда икки марта транспортга чиқамиз. Ойига 60 марта йўловчи бўламиз. Биз бу пулни барвақт тўлаб қўйган бўламиз. Бебилет йўловчилар бўлмайди. Улар ишдаги ҳамкасблари қатори йўлкира ҳақини илгаридан тўлаб қўйишган бўлади. Хўш, 3 сўм тўлаб қўйиб, шунга яраша транспортда юрмаганлар нима бўлади. Улар ҳам ютқизишмайди: талон қидириб сарсон бўлишмайди, контролер олдида изза бўлишмайди. Ахир автомобилига эга бўлган кишилар ҳам жамоат транспортида қатнаб, талон қидиришмаганмикан, контролер билан «ади-бади» айтишмаганмикан. Бироқ асосий гап бошқа ёқда. Жуда ғаройиб иш бўлардида: пенсионерлар, уй бекалари, мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юртларининг талабалари транспортда текинга юришарди. Хўш, Тошкентга келган меҳмонларчи? Ахир меҳмонни иззат қилиш керак-ку? Текинга юришаверсин! Биз ҳам ахир бошқа йирик шаҳарларга бориб қолармиз. Эҳтимолки, у ерларда ҳам ана шу система жорий этилар. Шунинг учун ҳам биз поезддан тушганимиздан кейин, абонемент сотиладиган «ҳужра»чаларни қидириб юрмаймиз, ёки бошқа йўловчилардан ортиқча билетингиз йўқми, деб сўраб ўтиришларга ҳожат қолмайди.

Тушумнинг бошқа йўллари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, иккинчи ва учинчи сменада ишлаётган ўз ходимларининг ишга вақтида келиб, вақтида кетишидан манфаатдор бўлган корхоналар транспорт идоралари билан куннинг исталган вақтида автобус юбориш тўғрисида шартлашиб олишлари ва икки томонга мақбул маблағни тўлашлари мумкинку! Ана шу маблағнинг бир қисми транспортчиларга қўшимча ҳақ тўлашга сарфланса бўлади. Эҳтимолки, ана ўшанда ҳозир кўп вақти бекор кетаётган идорага қарашли юзлаб машиналарни «ушлаб туришга» ҳожат қолмас.

Бундай система қўлланилса, жамоат транспортида касса плани бажарилиши билан бир қаторда билетларни босмадан чиқариш ва тарқатиш, контролерлар, кассирлар ва ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган бошқа ходимларга маош тўланаётган миллион-миллион сўм харажатларни ҳам тежаб қолиш имконияти борлиги ҳисоблаб чиқилган. Трамвай-троллейбус бошқармасининг ўзидагина бу иш билан саккиз юздан кўпроқ киши банд. Ҳозир пинҳон тутилаётган харажатларга ҳам ҳожат қолмайди. Чунки, ҳозир ўз контролерлари ишидан қаноат ҳосил қилмаётган ана шу бошқарма йўловчиларни «назорат» қилиш учун ўз инженерлари ва хизматчиларини ҳам сафарбар этмоқда. Мусобақанинг алоҳида бандига кўра, бу кишилар ҳар куни контролер сифатида линияга чиқиб, икки соат ишламоқдалар. Шу аснода бу инженерлар ва хизматчилар асосий ишларини йиғиштириб қўйиб, юз минг соат иш вақтини ана шу юмушга сарфламоқдалар.

Ана шундай ортиқча сарфу-харажатларни қисқартириб, транспорт ташкилотлари давлатдан олаётган дотацияларининг бир қисмини қайтарган бўлур эдилар, қўшимча маблағларни эса янги линиялар қуришга, автобус, трамвай, троллейбус сотиб олишга, йўловчиларга яхши хизмат кўрсатишга кафолат берадиган чинакам контролни ўрнатишга сарфлаган бўлур эдилар.

Контрол эса зарур. Ахир, ҳозир ҳам билетни сотишга сотиб қўйиб, транспорт ҳамиша бизни кўзлаган манзилимизга элтиб қўяётгани йўқку. Биз тўлашимиз лозим бўлган пул жамоат транспорти кассасига умуман ташвишсиз тушадиган бўлса у ҳолда нима бўлади? Транспортчилар авансни тўлаб қўйган йўловчига бепарво бўлиб қолишмасмикан?

Ҳар биримиз риоя қилишимиз лозим бўлган ҳалоллик билан айни вақтда қаттиқ тартиб ҳам бўлиши лозим. Бунда шаҳар Совети бош ролни ўйнаши керак. Корхона, муассаса, ўқув юрти бухгалтерияси тўплаган пуллар шаҳар Совети қўлига тушиши даркор. Шаҳарликларга транспорт хизмати кўрсатиш сифатини—ана шу бош кўрсаткични шу ваколатли ташкилот — шаҳар Совети баҳолайди. Автобус, трамвай, троллейбус ҳар куни, ҳар соатда қайси йўналишларда нечта рейс бажариши лозимлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас. Ана шу шарт бажариладиган бўлса, транспорт ташкилоти унинг номига юборилган ҳамма пулни олади. Шу ишни уддалай олмаса, даромаднинг бир қисмидан маҳрум бўлади. Шу тариқа транспорт билан йўловчи ўртасида ўзаро масъулият вужудга келади.

Транспорт конвейерининг ҳар бир қатнашчиси аниқ тартиб-интизом бўлишидан шахсан манфаатдор бўлади.

Графикка қатъий риоя қилиб ишлаётган ҳайдовчи «чой-чақа» сўраб чўнтагини қаппайтираётган ҳайдовчи ҳавас қилса арзийдиган миқдорда маош олаверсин. Бутун маршрут графикда белгиланганидек ишлаётган экан, диспетчер шунга яраша рағбатлантирилаверсин. Депо, парк, база зиммасидаги вазифани бажараётган экан, корхона раҳбарлари ҳам юқори шкалага кўра маош олаверсинлар. Ҳаракатдаги составнинг яхши ҳолатига қараб, ремонтчилар, трассанинг шайлигига қараб йўл ишчилари, энергетиклар, бекатлардаги тартиб, озодалик учун шу соҳа одамлари рағбатлантирилсин. Ўз-ўзидан равшанки, транспорт ишидаги меъёрнинг бузилиши меҳнатга жамоатчилик баҳосида ҳам, даромад миқдорида ҳам акс этиши керак.

Ҳар бир рейснинг графиги амалда қандай бажарилганлигини компьютер аниқлаб бериши мумкин. Автоматик асбоблар компьютерни ахборот билан таъминлайдилар. Бундай қурилмалар ҳозир бор. Контролёр бўлиб ишлайдиган кишиларнинг куч-ғайратларини хайрли ишларга — техникага кўмак бериш учун сарфласа бўлади. Текширувчилар ва ҳисоб-китоб қилувчилар штати ўн баравар қисқаради. Лекин бу аппарат самарали ва холис ишлайдиган аппарат бўлади. У идораларга бўйсунмайди, фақат шаҳар Совети ихтиёрида бўлади.

Ишнинг яна бир маънавий жиҳати бор. Ҳанузгача турли идораларда пулни ўмариб кетган айрим ҳайдовчиларнинг хулқ-атвори муҳокама қилинмоқда. Уларни жазолаш керак албатта. Аммо бу кишиларнинг қисматига сиз билан биз бефарқ қарай олмаймиз. Тарбиявий таъсир кўрсатишни унутмаган ҳолда суиистеъмолларнинг келиб чиқиш эҳтимолини ҳам бартараф этилса оқилона иш бўлур эди. Бу тартиб ўрнатиб, тарбия бериш демакдир.

Дастлаб қараганда, майда-чуйда бўлиб кўринган яна бир мантиқий гапни айтиб ўтмоқчиман: ҳозир ўнгу-сўлга билет ташлаб кўчалар ифлос қилинмоқда. Янги система жорий этилганда кўчаларимиз тозароқ бўлади.

**Шундай қилиб, коллектив пудрати амал қила бошлайди. Тошкентликлар қатнов учун мунтазам тўлов тўлаб туриш мажбуриятини оладилар, жамоат транспорти эса йўловчиларга муносиб хизмат қила бошлайди. Жамоат транспортида тартиб ва ўзаро ҳурмат қарор топади.**

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

## ҲУРМАТЛИ ОҚШОМХОНЛАР!

Шаҳар транспорти ишининг янги системаси хусусида юқорида билдирилган таклифларга Сиз нима дейсиз? Шу масаладаги ўз фикр-мулоҳазаларингизни бизга албатта, ёзиб юборинг. Хатларингизни кутамиз!

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## «ТИНЧЛИК КАРВОНИ» ГОЛЛАНДИЯГА КЕЛДИ

ГААГА. Ёшлар «Тинчлик карвони» Нидерландияга келишига бағишлаб Амстердамда ўтказилган дўстлик кечаси ер юзида тинчлик, қуролсизланиш ва ҳаётни сақлаб қолиш учун кураш шиорлари остида ўтди. Унда Совет Иттифоқи, Болгария, Венгрия, ГДР ва бошқа мамлакатлардан «карвон» составида бу ерга келган 250 дан ортиқ йигит-қиз, шунингдек Голландиядаги ёшлар ташкилотлари ва урушга қарши ҳаракат группаларининг кўпдан-кўп вакиллари қатнашди. Шу ёрқин намойиш қатнашчиларининг нутқларида ядро уруши ҳавфига қарши, инсон цивилизациясини сақлаб қолиш учун курашда барча мамлакатлар ёшлари куч-ғайратларини бирлаштириш зарурлиги таъкидланди. Нотиқлар Вашингтон маъмуриятини Совет Иттифоқидан ўрнак олиб, ядро синовларини ўтказишдан бош тортишга қатъий даъват қилдилар.

Ёшларнинг вакиллари Нидерландия жамоатчилигининг вакиллари билан ҳам учрашадилар, тинчликни сақлаш учун курашдаги бирлик ва жипслик масалаларига бағишланган намойишлар ва мунозараларда қатнашадилар.

## ЭРОН-ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД. Бош ҳарбий қўмондонлик ахборотида эронликларнинг катта кучлари кеча кечаси Қасри Ширин районида ҳужум бошлашга уринганлиги маълум қилинади. Душман сон жиҳатидан устун бўлишига қарамай, Ироқнинг олдинги позицияларига яқинлашиб келолмаган. У фақат биргина тепаликни ишғол этишга муваффақ бўлган, аммо ўша куниёқ шу тепаликдан сўриб туширилган. Ахборотда Эрон қўшинлари катта талофот берганлиги айтилади. Жанглар бўлган жойда юзлаб ўлдирилган солдатлар қолиб кетган, ҳужум қилганларнинг оз қисми қочиб қутилган.

Басрадан шарқдаги участкада артиллерия душман йиғилган районларга ўқ узиб турди. Бу ерда ҳам эронликлар аскар ва техникасига талофот етказилди.

Ироқ авиацияси Дизфул яқинидаги қанд заводига яна зарба берди.

Эронликларнинг узоққа отадиган артиллерияси Басра, Ал-Азаир ва Ҳурмалнинг уй-жой кварталларини икки кундан бери тўпга тутмоқда. Гражданаҳоли ўртасида ўлдирилган ва ярадорлар бор.




АҚШ. Мамлакатдаги энг йирик Ю-Эс-Экс пўлат эритиш корпорациясининг ишчилари ишдан бўшатишларга забастовка билан жавоб бердилар.

СУРАТДА: полиция Чикагодаги корхоналардан бири олдида пикет ташкил этган забастовкачиларни тарқатишга уринмоқда.

КАЛЕЙДОСКОП

### ТУРИСТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Туристлар ниҳоятда кўп ташриф буюрадиган Испания бу йил аввалги барча рекордларни ортда қолдиради, деган тахминлар бор. Транспорт ва алоқа министри А. Кабальеронинг матбуот конференциясида маълум қилишига қараганда шу йилнинг охирига бориб, 39 миллион аҳолиси бўлган мамлакатга келиб-кетган меҳмонлар 46 миллион кишини ташкил этади. Туристлар август ойида кўп ташриф буюришди. 9 миллиондан зиёд киши Канар ва Балеар оролларидаги пляжларда, Каталония, Валенсия ва Андалусияда дам олди. Шунингдек улар Мадрид, Севилья, Кордова, Гренада, Барселона ва бошқа шаҳарларнинг тарихий жойлари бўйлаб саёҳат қилдилар. Министрнинг сўзларига қараганда бу йил туризм Испанияга 11.400 миллион доллар даромад келтиради. Бу ўтган йилги валюта даромадларидан қарийб 40 процент кўп.

### «МУЛОЙИМ» АСФАЛЬТ

Австралиянинг автомобиль магистраллари Венанинг «ЦТ Битумен» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган «мулойим» асфальт билан қоплана бошлади. Янги асфальт ҳаракат шовқинини шу даражада ютадики, бу йўлдан ўтаётган автомобиллар сони икки баравар камайгандек, ёки улар тезлигини 25 процентга пасайтиргандек тасаввур ҳосил қилади. Ана шу асфальтнинг яна бир қимматли фазилати бор. У сувни шимади, ҳатто қаттиқ жала қуйган вақтларда ҳам қуруқлигича қолади. Шу сабабли қишда ҳам йўлларда яхмалак бўлмайди. Асфальт эластик бўлгани учун ҳарорат ўзгаришларидан дарз кетмайди. Янги асфальт автомобиль шиналари билан одатдаги асфальтларга нисбатан яхши жипслашади.

Соғлом турмуш тарзи учун

# ҲАЛОКАТНИНГ ОЛДИ ОЛИНСИН

Кейинги пайтларда марказий ва республика матбуотида кўкнор ҳинд нашаси экилаётгани, гиёвандлик воситаларини ғайри қонуний равишда тайёрлаш ҳамда сотиш ҳоллари учраётгани тўғрисида қатор мақолалар босилди. Бу эса наркотик гиёҳлар қаердан пайдо бўлаётгани, уларни истеъмол қилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида жиддий ўйлашга мажбур этади.

Кўп сонли далиллар гиёвандлик билан асосан 14 ёшдан 20 ёшгача бўлган ўсмирлар шуғулланишларини кўрсатмоқда. Бу ана шу ёшдаги психологик хусусиятлар билан бевосита боғлиқ. Ўсмир ёки йигитнинг онги мукаммал қарор топмаганлиги, ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини, жамият олдидаги хулқ-атвори нималарга олиб келишини охиригача тушунмаганлиги туфайли шундай қалтис қадам ташланади. Нашаванднинг шахси кўкларга кўтариладиган муҳитга тушиб қолдими, бу гирдобдан чиқиш амри маҳолдай туюлади. Гиёвандлар чангалига илинган ёшларнинг аксарияти биринчи бор чекишни шунчаки қизиқиш, эрмак, бошқаларга тақлид қилиш, бундан кейинги гиёвандликни эса эйфория (ҳақиқий аҳволга мос келмаган ҳолда кайфиятнинг кўтаринки бўлиши, ўзидан ўзи қувонаверишлик) ҳолати такрорланишига мойиллик деб изоҳлайдилар.

Афсуски руҳият кўтариладиган, қувноқлик ҳиссиёти қўзғайдиган, баданга ёқимли туйғулар сезиладиган, жинсий яроқсизлик атиги бир минутдан беш минутгача давом этади. Сўнгра фикрлашнинг бузилиши бошланади, ўз ҳаракатини бошқариш қобилияти пасаяди. Нашаванднинг ҳаракатлари аста-секин сусайиб боради, мизғиш бошланади ва у ухлаб қолади. Наркотик эйферия ҳолатининг давом этиши ва оқибати гиёвандлик воситасининг тури ҳамда миқдорига боғлиқ. Уни қайта-қайта қабул қилиш руҳий фароғатдек туюладиган ҳиссиётни келтириб чиқаради, бора-бора унга ўрганиб қолиш одати вужудга келади. Гиёвандликка берилган сари унинг бутун ўй-хаёли шу машғулот билан банд бўлади, мастликни тусаш яккаю ягона орзуга айланади. Бошқа ҳар қандай ҳис-туйғулар ўз моҳиятини йўқотади.

Гиёванднинг психик ҳолати унинг организмида наркотик модданинг мавжудлигига боғлиқ. Шуни айтиш керакки, нашавандликка берилган сари одамнинг вужудида наркотик гиёҳга нисбатан сезгилари тобора сўнади, айрим препаратларни қабул қилиш эҳтиёжи ошади. Бунда, ҳеч шубҳасизки, гиёвандлик воситаларини мунтазам ёки номунтазам истеъмол қилиш, ўша модданинг хусусияти ҳал этувчи моҳиятга эга бўлади. Масалан, қорадори инсон организми ҳолатига қараб бир неча йил мобайнида сақланиши эҳтимол. Шундан сўнг унинг таъсири секин-аста пасая боради, аввал қабул қилинган миқдор жиддий зарар эта бошлайди.

Биз гиёвандликнинг субъектив жиҳатларини мукаммал баён этаётганимизнинг сабаби унинг ниҳоятда хавфли эканлигини, оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлашдир.

Машҳур рус психиатри С. С. Корсаков 1901 йилдаёқ гиёвандлар психикасида енгилтаклик, ёлғон-яшиққа мойиллик, алдашга ўчлик, маънавий бузилиш ҳукм суришини баён этганди. Нашавандлар бирор ишга ярамайдиган бўлиб қоладилар, ақлан заифлашадилар ва тутқаноқ натижасида ҳалок бўладилар. Олимлар фикрича қорадорини лоақал бир марта истеъмол этиш кишида йўқ нарсаларни кўрмоқ, эшитмоқ, сезмоқ ҳолатини, алаҳсирашни, асоссиз рашк ҳиссини вужудга келтиради. Гиёвандлик моддалари кўпроқ қабул қилиниши онгнинг хиралашуви, ҳаяжоннинг тез-тез ўзгариши, фикрлар чалкашуви, қўрқув, атрофдагиларга ёвқараш ҳолатларини келтириб чиқаради. Ана шулар оқибатида жинсий қобилият барҳам топади. Нашавандлик билан узлуксиз шуғулланиш руҳий қўзғалишларнинг фаоллашувига олиб келади, теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга қизиқиш камаяди, ҳаяжон сўнади, ақл-идрок бузилади. Маҳорат ва меҳнатга қобилият йўқолади, оилавий алоқалар дарз кетади ва бора-бора у инқирозга учрайди. Ҳомиладорлик пайтида наркотик моддаларни истеъмол қилган аёллардан туғиладиган болалар сокинликдан маҳрум бўладилар, томир тортиш, ҳадеб эснаш, ич кетиши, қусиш, нафас олишнинг қийинлашуви каби оғир дардларга йўлиқадилар. Одатда бундай чақалоқлар икки-уч кунликда ҳалок бўлишади.

Гиёвандликнинг ўзига хос асоратларидан яна бири ёлғизликка мойиллик, маънавий қизиқишни йўқотиш, қорадори сотиб олиш ниятида хатарли йўлларга қадам қўйишдир. Одамнинг наркотик моддага қарамлиги жисмоний ўзгаришларнинг жадал кечишига олиб келади. Бадан терисининг усти оқчиллашади, кўз қорачиқлари кенгаяди, сўлак безларининг чиқиши қийинлашади, юрак уриши тезлашади, мушак тонуси ва қон босими ошади. Чекадиган ёки ичадиган дориси бўлмаган тақдирда гиёванд ўзини касал сезади, ёқимсиз ҳислар пайдо бўлади, яъни сўлаги ёки кўз ёши оқадиган ҳолга тушади, тумов тегади, чучкириш, терлаш, эт увишиши, қалтираш, мушакларнинг таранглашуви авж олади. Қорадорини узоқ муддат давомида қабул қилмаслик ошқозон-ичак системасининг бузилишига олиб келади, томирлар тортиб қолади, тутқаноқ тутади, ҳатто ўткир психоз ҳолати рўй беради.

Наркоманлар учун характерли хусусият шуки, уларнинг ўзлари игна санчган бадан тўқималари қалинлашиб кетади, вена томирлари шамоллайди. Гашиш, яъни наша чекилганда нафас олиш йўлларининг силлиқ пардалари қуриб қолади, ўпка склерози бошланади, мия тўқималари ишдан чиқади. Мехиколик психиатрлар яқинда пайдо бўлган яна бир наркомания тури хусусида хабар бердилар. Бу болалар ва ўсмирларнинг бензин ҳамда эрийдиган бўёқларнинг ҳидини нафас олиш воситасида ичга ютишдир. Бундай моддаларни қабул қилиш юрак фаолиятининг кучсизланишига, нафаснинг сиқилишига, ўпка ва бошқа ички органларнинг яраланишига, шунингдек руҳий қўзғалишларга олиб келиши мумкин. Аниқланишича, бензин ва органик эритмалар қонга тушиши натижасида мия ҳужайралари, буйрак ва жигар тўқималари ҳалок бўлади. Бундай кишилар қисқа муддат ичида ҳеч қандай ишни бажаролмайдиган мажруҳга айланиб қолишлари мумкин. Олимларнинг фикрича, наркоманиянинг бу кўриниши оқибатлари ҳали чуқур тадқиқ этилмаган. Лекин бундай воситаларни қўлланиш гиёвандлар фойдаланадиган бошқа моддалар сингари ниҳоятда хавфли эканлиги аниқ.

Кўриниб турибдики, бундай дардга чалинган шахс бир сонияли «кайф» деб соғлиғидан, меҳнат қобилиятидан, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиш имкониятидан ажралади, ҳатто бевақт ўлимга учрайди. Тан олиш керак: бу дардни даволаш ниҳоятда қийин, мураккаб ва у узоқ давом этади, кўп сонли медиклар ҳамда психологлар катта куч-ғайрат сарфлашларини талаб қилади. Беморнинг ўзи бутун маънавий қобилиятини, иродасини сарф этган, оилавий муносабатлар, коллективнинг қараши кўнгилли бўлган тақдирдагина муолажа муваффақиятли кечиши мумкин.

Руҳий жиҳатдан беқарор, ақл-идроки етукликдан маҳрум, асаби бузуқ шахсларни даволаш у қадар яхши натижа бермайди. Айниқса қизлар ҳис-туйғусининг кучлилиги, руҳиятининг ўзига хослиги сабабли уларни даволаш ниҳоятда қийин кечади. Шунинг учун ҳам матбуотда барча врачларга, педагогларга, партия ва комсомол ходимларига, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи органларга мурожаат қилиниб, наркотик моддаларни яширинча тайёрловчи ҳамда тарқатувчи шахсларга қарши аёвсиз курашиш кераклиги уқдирилмоқда. Айниқса ёшлар ўртасида алоҳида иш олиб бориш керак. Мактабларда, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар ва бошқа ўқув даргоҳларида ҳар бир йигит ҳамда қиз онгига гиёвандликнинг ҳалокатли оқибатлари хусусидаги ҳақиқатни чуқур сингдириш зарур.

Э. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физиология институти лабораториясининг мудири, профессор.

